

## ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИ КАТЕГОРИЯЛАШТИРИШДА КОГНИТИВ ЁНДАШУВ

**Акмал Гуламжанович ЮЛДАШЕВ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Доцент  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,  
Тошкент, Ўзбекистон

## КОГНИТИВНЫЙ ПОДХОД К КАТЕГОРИЗАЦИИ ЯЗЫКОВЫХ ЕДИНИЦ

**Акмал Гуламжанович ЮЛДАШЕВ**

Доктор философских наук по филологии (PhD), Доцент  
Узбекский государственный университет мировых языков,  
Ташкент, Узбекистан

## COGNITIVE APPROACH TO THE CATEGORIZATION OF LANGUAGES UNITS

**Akmal Gulamjanovich YULDASHEV**

Doctor of philosophy in philology (PhD), Docent  
Uzbekistan State World Languages University  
Tashkent, Uzbekistan [akmal1909@mail.ru](mailto:akmal1909@mail.ru)

UDC ( ЎУК, УДК): 81'13

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):**

Юлдашев А. Г. Тил бирликларини категориялаштиришда когнитив ёндашув// Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020.— № 4 (33). — Б.105-114.

<https://doi.org/10.36078/1605344071>

**Received:** June 15, 2019

**Accepted:** October 20, 2020

**Published:** November 10, 2020

Copyright © 2020 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

**Аннотация.** Мақоланинг мавзуси — бизни ўраб турган борликнинг концептлар тўпламини тартибга солиш учун қўлланиладиган асосий восита сифатида категориялаштиришдир. Мақолада асосий муаммо когнитив тилшуносликнинг алоҳида фан соҳасига айланганлиги, шунингдек, тадқиқотчилар қай йўсинда оламнинг лисоний манзарасини шакллантиришда категориялаштиришнинг ролини англаганлигини кўриб чиқишдан иборат. Тадқиқот методологияси — категорияни фалсафа, структур тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилганлиги ва когнитив тилшуносликда категориялаштиришни таянч когнитив восита сифатида қандай баҳолаш билан боғлиқ тадқиқотларни таҳлил қилишдир. Муаллиф категориялаштириш ва концептуаллаштиришни асосий билиш жараёни сифатида таҳлил қилган. Мақоланинг натижалари категориялаштириш когнитив тилшуносликнинг асосий воситаси эканлигини аниқлашдир. Илмий-назарий умумлашмалар асосида чиқарилган хулоса — оламнинг лисоний манзарасини яратиш ва категориялаштириш жараёнида юзага келадиган хусусиятлар ва масалаларга ойдинлик киритишдан иборат.

**Калит сўзлари:** концепт; категория; когнитив семантика; концептуаллаштириш; категориялаштириш.

**Аннотация.** Предмет статьи — категоризация окружающего нас мира как мощного инструмента, используемого для организации совокупности концепций. Основной темой является рассмотрение того, как когнитивная лингвистика стала отдельной отраслью науки, а также как исследователи осознали роль категоризации в построении лингвистической картины мира. В статье анализируются различные типы научных работ, посвященные описанию категории в философии, структурной лингвистике и тому, как в когнитивной лингвистике категоризация рассматривается в качестве мощного когнитивного инструмента. Автор проанализировал категоризацию и концептуализацию как главный познавательный процесс. Итогом статьи является определение роли категоризации как основного инструмента когнитивной лингвистики. Результаты исследования, отраженные в статье, применимы к различным видам научных исследований, касающихся проблем, возникающих в процессе категоризации в процессе создания и анализа различных языковых картин мира.

**Ключевые слова:** концепт; категория; когнитивная семантика; концептуализация; категоризация.

**Abstract.** The subject of the article is categorization of the world around us as a powerful tool used to arrange the collection of concepts. The main subject is to consider how cognitive linguistics became a separate branch of science, as well as how the researchers realized the role of categorization in building a linguistic worldview. The methodology of the research is analysis of various types of scientific papers dealing with description of category in philosophy, structural linguistics and how in cognitive linguistics evaluated categorization as a powerful cognitive tool. The author analyzed categorization and conceptualization as main cognitive process. Outcomes of the article is determination of role of categorization as main tool of cognitive linguistics. Scope of outcomes are various kinds of scientific research works concerning the features and issues occurring in the course of categorization during the process of creating and analyzing different linguistic worldview.

**Keywords:** concept; category; cognitive semantics; conceptualization; categorization.

**Кириш.** Тил бирликларининг лингвокогнитив тадқиқида категориялаштириш муаммоси таянч масалалардан бири ҳисобланади. Маълумки, фанлар мазмун-моҳиятига кўра *категория* тушунчаси турлича талқин этилади. Улардан биринчиси фалсафий категориядир. Фалсафий категориялар воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим, алоҳида муносабат ва алоқаларини ифодалаш билан бирга, бутун олам, инсон ҳаёти ва тафаккурига ҳос хусусиятлар, муносабатларни ҳам акс эттиради (16, 193). Шу боис ҳар бир аниқ фан ўзи ўрганаётган соҳанинг хусусияти ва белгиларини очиқда фалсафий категорияларга мурожаат қилади.

Фалсафа тарихида *категория* тушунчасини илк марта Арасту “Категориялар” асарида таърифлаб берган. У

категорияга объектив воқеликнинг умумлашган инъикоси сифатида қараб, *субстанция (моҳият), миқдор, сифат, муносабат, макон, замон, вазият, ҳолат, ҳаракат, уқубат* каби турларга ажратган (6). Афлотун эса қуйидаги категорияларни фарқлаган: *моҳият, ҳаракат, тинчлик, ўхшашлик, фарқлилик*.

И. Кант категорияни ақлнинг тажриба ва фактларга асосланмаган шакли сифатида баҳолаган. Унинг фикрича, категориялар “нарсаларнинг ўзида эмас” (“нарсга ўзида”), балки субъект, унинг тафаккур структурасида акс этади. И. Кант қуйидаги категорияларни ажратган: *сифат, миқдор, муносабат, модаллик* (16, 194).

Г. Гегелнинг категория ҳақидаги таълимотида фалсафий диалектик категориялар системаси белгиланган. У аниқ мантикий категориялар сифатида қуйидагиларни кўрсатган: *борлиқ, моҳият, тушунча*. Гегель диалектик категорияларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро бир-бирига ўтишини ҳам асослаган (12). Г. Гегел таълимотида инсон томонидан эгалланадиган билимларнинг тадрижий амалга оширилиши назарда тутилган.

Англашиладики, фалсафий категориялар воқеликдаги энг муҳим таянч муносабатларни қамрайди, шунингдек, ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотган эмас.

**Асосий қисм.** Категориялар тавсифига ўзгача ёндашув Л. Витгенштейннинг “оилавий ўхшашлик” категориясида кузатилади. Л. Витгенштейн «Мантикий-фалсафий рисола» асарида ўзи яратган сунъий тил қурилиши тартибларини ёритган. Унинг фикрича, бу тил мантикий жиҳатдан мукамал, яъни табиий тилдаги кўп маъноли сўзлардан, мантикий ноаниқликлардан холи (16, 220). Л. Витгенштейн тилдан, ондан ташқари объектив реаллик, борлиқ мавжудлигини инкор этади. Унинг таъкидича, тилдаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш фалсафанинг вазифасидир. Л. Витгенштейннинг назарий қарашлари *лингвистик фалсафа* тараққиётига муҳим таъсир кўрсатди. Унга кўра, бундай таҳлилнинг мақсади тил ифодаларини аниқлаштиришдан иборат. Лингвистик фалсафа билиш моҳиятини унинг тилдаги шаклидан ажратиб, фалсафий ва лингвистик тадқиқотларни аралаштириб юборади.

Умуман, фалсафада категориялар инсоннинг олами билиши ва идрок этиши нуқтаи назаридан шаклланганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Категориялар, биринчидан, инсоннинг табиат, жамият ҳодисаларининг моҳияти ва қонуниятини *англаш* жараёнида эришган билимлари ҳисобланади, иккинчидан, уларнинг воқеликни янада чуқурроқ билиши ва унинг сирлари ҳамда қонуниятларини очишида қўлланиладиган муҳим илмий воситалар ҳисобланади (16, 195).

*Категория* тушунчаси бўйича тилшуносликда турлича талқинлар мавжуд. Тилшуносликда *категория* термини кенг маънода тил элементларининг муайян ўхшашлигига кўра ажратилган ҳар қандай таснифни англатади (18, 215).

Ўтган асрда структурал тилшуносликда *категория* муаммоси бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, Р. Марчанд ҳозирги замон инглиз тилидаги

грамматик категорияларга тавсиф берди (3), Б. Л. Уорф турли тизимли тилларда грамматик категориялар тамойилларини типологик аспектда таҳлил қилса (15), М.А.К. Халлидей грамматик категориялар назариясини ишлаб чиқди (2). В. В. Иоффе ҳинд-европа тилларида жинс категориясининг шаклланиши ва тараққиёти (10) ҳақида илмий асосларни келтирди. Д. Карамшоев помир тилларида жинс категориясининг (11) қиёсий-типологик таҳлилин амалга оширди. Ж.Б. Бўронов типологик категорияларни ўрганди (4), А.Т. Аксенов янги ҳинд тилларида жинс категориясини (5) тадқиқ қилган бўлса, Л.А. Тимпко жинс категорияси ифодаланишининг диахроник таҳлили (14), М. И. Расулова эса лексик категориялаштириш муаммоси (13) бўйича тадқиқот олиб борган.

Категория муаммоси ўзбек тили материаллари асосида ҳам изоҳланган. Хусусан, А. Ғуломов ўзбек тилида кўпликнинг ифодаланиши масаласини таҳлил қилган (9). Ш. Шаҳобиддинова морфологик категорияларни қуйидагича таснифлаган: *сон категорияси, эғалик категорияси, келишик категорияси, субъектив муносабат категорияси, қиёслаш категорияси, нисбат категорияси, ўзгалоғчи категорияси* (17).

Тилшуносликда семантик категориялар ҳам ажратилган. Таъкидлаш жоизки, семантик категорияларда мазмундан шаклга тамойили асосида иш кўрилади. Жумладан, ўзбек тилида ҳурмат категорияси айнан семантик аспектда ўрганилган.

Категория муаммоси таҳлиliga оид кўрсатилган тадқиқотлар структур тилшунослик доирасида амалга оширилган. Тил тадқиқига антропоцентрик ёндашув юзага келгач, *категория* тушунчасининг мазмун-моҳияти кенгайди, тилшуносликка бу термин асосида ҳосил қилинган *категориялаштириш* термини кириб келди.

Инсоннинг билиш фаолияти ҳамда когнитив қобилиятини тасвирлашда *категориялаштириш* ҳамда *концептуаллаштириш* тушунчалари муҳим ўрин тутди.

*Категориялаштириш* термини когнитив тилшуносликнинг таянч тушунчаларидан бири бўлиб, асосий когнитив жараён тарзида талкин қилинди, яъни оламни категориялаштириш доимий ҳаракатдаги жараён эканлиги эътироф этилди. Э. Рош “Билиш ва категориялаштириш” (1) асарида категориялаштириш асосий когнитив жараёнлардан бири эканлигини илмий жиҳатдан асослади. Кейинчалик бу илмий мушоҳада Тамбов лингвист-когнитологлар ассоциацияси томонидан ривожлантирилди. Жумладан, Н. Н. Болдырев таҳрири остида “Тилда оламнинг категориялаштирилиши” номли монографиянинг чоп этилиши бунга яққол мисол бўла олади.

*Категориялаштириш* ҳам фалсафий категория каби айнан билиш жараёни ҳисобланади. Когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан категориялаштириш, бир томондан, борликдаги объект ва ҳодисаларнинг номлари ҳақидаги билим ва ушбу объект, ҳодисаларни аниқ категорияларга жойлаштириш ҳамда

уларнинг номларини ўзлаштириш жараёнидир (7, 115). Демак, категориялаштириш — оламни категорияларга бўлиш, яъни гуруҳлар, синфлар, ўхшаш объектлар ёки ҳодисалар категориясига. Шу билан бирга, когнитив жараён сифатида категориялаштириш объект ёки ҳодисанинг муайян категория билан, шу жумладан, унинг номи билан белгиланишига алоқадор билимлар тизимидир. Шунга кўра, тилдан фойдаланган ҳолда маълумот алмашиш уни мавжуд билимлар тизими билан таққослаш, маълум бир объект ва ҳодисаларни муайян категориялар орқали аниқлашдан иборатдир. Мазкур динамик жараён, категориядан фаркли ўлароқ, статикада берилган ва билиш жараёни сифатида категориялаштиришнинг моҳияти ҳисобланади (7, 37–38).

Жисмоний объектлар ва уларнинг параметрларини таснифлаш табиатнинг ўзига хос хусусиятларини намоён қилишдан кўра кўпроқ фикрлаш жараёни ҳисобланади. Таснифлашнинг бу каби фикрлаш жараёни *категоризациялаштириш* деб аталади, унинг натижалари эса *когнитив категориялар* деб номланади. Масалан, рангларнинг когнитив категориялари: *қизил, сариқ, кўк* (4, 2).

Шунингдек, категориялаштириш когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан базавий, субординат ва суперординат даражаларга бўлинади.

Базавий даража — биз эгаллаган билимнинг асосий қисмини ташкил қилади. Бу эмпирик характерга эга бўлиб, унинг натижаларини ҳар ким шахсий тажрибасида синаб кўриши мумкин. Синовдан ўтказилаётганлардан умумлаштиришнинг турли даражаларидаги муайян категорияларнинг хусусиятларини санаб бериш сўралади. Одатда асосий даражадаги категорияларга хос хусусиятлар *дараза, эшик, дарвоза* ва энг кам миқдорда — ундан юқори даражадаги категорияларга хос хусусиятлар *рўзгор буюмлари, уй жиҳозлари* номини келтиришади. Махсус билимларга эга бўлмаган оддий инсон учун қуйи даражадаги категориялар *манти қосқон, шашлик қўра, юмшоқ мебел, ҳовли мебели* тўғрисидаги маълумотлар базавий даражага нисбатан деярли ошмайди.

Категориялаштиришнинг базавий даражасига хос юқорида санаб ўтилган барча хусусиятларни тизимлаштирган ҳолда Ж. Лакофф таъкидлайдики, базавий категориялар қуйидаги нуқтаи назардан базавий ҳисобланади: 1) идрок (шаклни яхлит идрок этиш, якка ментал образ, тезкор аниқлаш); 2) функциялар (умумий ҳаракатлантириш дастури, яъни мазкур даража категорияларининг объектлари билан бўладиган ҳаракатларнинг ягона тизими); 3) алоқа (аввало, болалар томонидан ёдланадиган ва луғат таркибига биринчи кириб келадиган энг қисқа, кўп учрайдиган ва контекстуал нейтрал сўзлар билан белгиланади); 4) билимларни ташкиллаштириш (категория аъзолари хусусиятлари бу даражада сақланади).

Маълумотларнинг аксарияти битта концептуал даражада сақланиб қолиши ва айнан шу оралик даража бу ҳолатда базавий



эканлиги, Ж. Лакоффнинг сўзларига кўра, унинг айнан фундаментал психологик функцияси — гештальт идрок этиш, яъни қисмларнинг бирлигида бутунликни идрок қилиш функцияси билан изоҳланади. Базавий даражанинг бошқа категориялаштириш даражалари билан тубдан фарқланиши инсоннинг бу даражадаги категория билан боғлайдиган хусусиятларда кўринади. Базавий даражада категориялар хусусиятлари бутуннинг қисмлари хусусиятлари билан, яъни объектнинг таркибий қисмларига қандай бўлиниши билан боғлиқ, бу эса, ўз навбатида, объектлар ҳақидаги билимларимизда муҳим ўрин тутади.

*Биринчидан*, объектнинг таркибий қисмлари, одатда, унинг функциялари билан боғлиқ. Шунинг учун объектнинг функциялари ҳақидаги умумий тушунча унинг таркибий қисмлари ҳақидаги билимлар билан боғлиқ. *Иккинчидан*, қисмлар объектнинг ташқи шаклини, шунингдек, қандай қабул қилиниши, концеп-туаллаштирилишини белгилайди. *Учинчидан*, фаолиятимизда кўпинча объектларнинг бир қисми ёки бошқа қисмлари воситасида ўзаро алоқа вужудга келади (юзимизни ювамиз ва сочиқ билан юзимизни артамиз). Бу ушбу объектга нисбатан ишлатилиши мумкин бўлган ҳаракатлантирувчи дастурларни (ҳаракатлар тизими) аниқлайди. Аналогик тарзда бутун-бўлак тузилмаси воқеаларни қамрайди ва воқеа категориялари ҳақидаги билим жисмоний объектлар категориялари ҳақидаги билимларга ўхшаб тузилади.

Субординат даражада категориялаштириш объектларнинг аниқ хусусиятларини етказувчи концептлар ва тавсифлар асосида амалга оширилади: *хонтахта* — безатилган дастурхон, ўтириб овқатланиш учун мўлжалланган, оёқлари қалта ёғоч стол (таркибий қисмларининг ўзига хос шакли туфайли махсус функцияни бажаради).

Суперординат категория қаби янада юқори даражадаги категориялар объектларнинг бутун синфларига хос бўлган доимий хусусиятларни умумлаштирувчи мантикий концептлар асосида қурилади: *университет, автомобил, ўсимлик, ранг, шакл* ва бошқалар.

Тегишли объектларни суперординат ва субординат даражалар категорияларига киритиш учун махсус билимлар, яъни уларнинг бошқа объектлар билан умумий (юқори даражадаги мавҳумлик категориялари учун) ва фарқловчи (қуйи даражадаги категориялар учун) хусусиятларини билиш зарур. Масалан, ҳар қандай катта ёшли киши ҳам *iphone samsung galaxy* дан ёки *телевизор смарт (smart) телевизордан* нимаси билан фарқ қилишини (субординат даража категорияси) ва артефакт нима эканлигини ёки ҳаттоки юқори технологиялар деб аталишини (суперординат даража категориялари) билавермайди. Инсоннинг базавий даражага йўналтирилган гештальт билан яхлит идрок қилишдек табиий қобилияти қуйи ёки юқори даражаларда осон фарқлаш ёки умумлаштиришга имкон бермайди.

*Категориялаштириш* объектларнинг концептуал бирлашиши, яъни концепт асосида бирикиши ҳисобланади. Лисоний категориялар — лисоний объектлар ва лисоний бирликларнинг концептуал бирлашмасидир. Сўзларнинг маълум гуруҳлар ёки синфларга бирикиши уларнинг лексик ва грамматик хусусиятларига кўра содир бўлади. Яъни уларнинг лексик маъносига кўра бирлашуви лексик категориялаштириш деб аталади. *Грамматик категория* деганда сўзлар ва грамматик шаклларининг лексик-грамматик ва грамматик маъноларга кўра турли категорияларга бирлашуви тушунилади (7, 155).

Лексик маънода тил ҳақидаги билимларимизни эмас, балки оламдаги предмет ва ҳодисалар ҳамда уларнинг хусусиятлари ҳақидаги билимлар акс этади, лексик категориялаштириш эса предметлар ва ҳодисалар тизимини, яъни табиий объектларнинг категорияларини ифодалайди. Шунга кўра, ҳар хил турдаги лексик гуруҳлар аслида лисоний категориялар ҳисобланмайди. Улар тилнинг ташкил этилиши ва фаолияти қонуниятлари, шунингдек, табиий категориялар ҳақидаги билимларимизни етказди. Бошқача айтганда, улар олам категориялари элементларининг номларини бирлаштирган ҳолда, аналогик категориялар (атроф-муҳитга нисбатан)ни намоён қилади. Шунга кўра, улар ўз табиатида кўра, аналогик тузилишга эга ҳисобланади (7, 156). Масалан, тажриба сифатида ўқув хонаси доскасига *ҳайвон*, *ўсимлик*, *мактаб* каби умумий концептларни ёзсак, уларнинг когнитив майдонидан ўрин олган *шер*, *бўри*, *тулки*, *хурмо*, *олма*, *ўсма*, *ўқитувчи*, *ўқувчи*, *дарс...* кабиларни когнитив майдонларга ажратиш топшириғи берилса, албатта, натижа маълум. Шунга кўра, бу каби тажрибаларда категорияларнинг когнитив хусусияти ёрқин намоён бўлади. Англашиладики, айнан лексик категориялаштириш туфайли тил ўзининг муҳим функцияларидан бири — билимларни олиш, сақлаш ва етказиш, яъни когнитив функциясини амалга оширади.

**Хулоса.** Назарий таҳлилларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин:

1. Категория билим ва ижтимоий амалиётнинг тарихий тараққиёти тажрибасини умумлаштириш натижасидир. Категориялар билимнинг энг муҳим нуқталари (шакл ва мазмун, бутун ва бўлак, умумий ва қисм каби), тафаккур нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига етиш босқичларидир.

2. Лингвистик категорияларнинг моҳиятини тушунишда тарихийлик ва мантиқийлик тамойиллари устуворлик касб этади, чунки ҳар қандай лингвистик категория тилда рўй берган турли тарихий жараёнларнинг натижасидир. Лингвистик категориялар мантиқий, фалсафий ва психологик категориялар билан чамбарчас боғлиқ.

3. Анъанавий тилшуносликда мантиқ ва фалсафа билан бир қаторда риторика фанида ҳам сўз, жумла ва матннинг шакллантирилиши қонуниятлари аниқланган. Риториканинг асосий категориялари: 1) тур ва гуруҳ; 2) бутун ва қисмлар; 3) моддий хоссалар; 4) ҳаётий хусусиятлар; 5) ном; 6) ҳаракат ва

уқубат; 7) макон; 8) замон; 9) келиб чиқиш; 10) сабаб; 11) муқаддима ва хотима; 12) белгилар; 13) ҳоллар; 14) ўхшашлик; 15) мос келмайдиган ва ножоиз нарсалар; 16) тенгламалар.

4. Когнитив семантика тилнинг луғат бойлигини таҳлил қилишнинг ҳозирда сермаҳсул таҳлил методи саналади. У анъанавий семантика билан бир қаторда когнитив тилшунослиқда қўлланиладиган қатор методларни ўз ичига олади. Аниқроғи, у семантик прототип, семантик примитив, нутқ прототиплари, этномаданий контекст, тилнинг луғат бойлиги ва унинг категориал тизимини таҳлил қилишда ёрдам беради.

5. Билиш жараёни куйидаги босқичлардан иборат: концептуаллаштириш, идентификациялаш, категориялаштириш, номинация. Агар мана шу тўрт босқичли жараённинг бирор бўғинида сўзловчида муаммо туғилса, у тилнинг коммуникатив вазифасидан фойдаланолмайди, бошқача айтганда, мулоқотда иштирок этолмайди.

6. Табиий тил дунё концептуал тизимидаги муайян концептларни символик тарзда белгилаб, вербал рамз, тизим концептларини манипуляция қилиш имконини беради.

7. Нутқда фаол лисоний категориялардан бири деривацион категориялар бўлиб, одатда, катта категориялар ичидаги кичик категориялар ҳисобланади. Масалан, бирон-бир жой категориялари (махалла, кўйхона); асбоб турлари (омбир, лом); ҳайвонларнинг гендер фарқланиши (урғочи); дарахтларнинг турлари (арча, қайрағоч) ва шу кабилар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Rosch E., Lloyd B., *Cognition and Categorization*. — New York, Hillsdale, 1978. — 328 p.
2. Halliday M.A.K. *Categories of the theory of Grammar // Reading in Modern Linguistics. An anthology by B. Makmberg*. Stockholm, — 1972. pp. 13–24.
3. Marchand H. *The Categories and Types of Present-Day English Word Formation*. — University of Alabama Press, 1966. — 545 p.
4. Ungerer, F., Schmid, H.J. *An Introduction to Cognitive Linguistics*. — New York: Longman, 1997. — 396 p.
5. Аксенов А.Т. Категория рода в новоиндийских языках (на материале панджаби, хинди и урду): Дисс. ... д-ра филол.наук: — Москва, 1983. — 393 с.
6. Аристотель. Категории. Перевод А.В. Кубицкого. — М.: Соцэкгиз. 1939. — 84 с.
7. Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. Введение в когнитивную лингвистику. — Тамбов: Тамбовский государственный университет имени Г.Р. Державина, 2014. — 236 с.
8. Буранов Ж. Типологические категории и сравнительное изучение языков. Автореф дисс... д-ра филол. наук. — М., 1979. — 48 с.
9. Ғулумов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. — Тошкент, 1944. — 56 б.
10. Иоффе В.В. Происхождение и развитие рода в праиндоевропейском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. — Ростов-на-Дону, 1973. — 38 с.



11. Карамшоев Д. Категория рода в памирских языках (срав. анализ). Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. — М., 1973. — 34 с.
12. Плунгян В.А. Грамматические категории, их аналоги и заместители. Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. — М.: 1998. — 49 с.
13. Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. — Ташкент: Фан, 2005 — 268 с.
14. Тимпко Л.А. Род как историческая категория. — М.: Изд. МГУ, 1985. — 46 с.
15. Уорф Б.Л. Грамматические категории // Принципы типологического анализа языков различного строя. — М.: Наука, 1972. — С. 44–60.
16. Фалсафа қомусий луғат. — Тошкент: Шарқ, 2004. — 491 б.
17. Шаҳобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. — Тошкент, 2001. — 50 б.
18. Языкознание. Большой энциклопедический словарь / Гл. ред. В.Н.Ярцева. — 2-е изд. — Я41 — М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. — 685 с.

### References

1. Rosch E., Lloyd B., *Cognition and Categorization*. New York, Hillsdale, 1978. 328 p.
2. Halliday M.A.K., *Categories of the theory of Grammar, Reading in Modern Linguistics*. An anthology by B. Makmberg. Stockholm, 1972. pp. 13–24.
3. Marchand H., *The Categories and Types of Present-Day English Word Formation*, University of Alabama Press, 1966. 545 p.
4. Ungerer, F., Schmid, H.J., *An Introduction to Cognitive Linguistics*, New York: Longman, 1997. 396 p.
5. Aksenov A.T., *Kategoriya roda v novoiindiiskikh yazykakh (na materialy panzhabi, khindi, urdu)*, (The category of gender in the Queen's Indian languages (on the material of the Punjabi, Hindi and Urdu)), dissertation ... doctor of philological Sciences, Moscow, 1983. 393 p.
6. Aristotel', *Kategorii* (Categories), Translated by A. V. Kubitsky. Moscow: Sotsekgiz. 1939. 84 p.
7. Boldyrev N.N., *Kognitivnaya semantika. Vvedenie v kognitivnuyu lingvistiku* (Cognitive semantics. Introduction to cognitive linguistics), Tambov: Tambov state University named after G. R. Derzhavin, 2014. 236 p.
8. Buranov Zh., *Tipologicheskie kategorii i sravnitel'noe izuchenie yazykov* (Categories: typological and comparative study of languages), Autoref Diss... doctor of Philology, Moscow, 1979, 48 p.
9. Gulomov A., *Uzbek tilida kuplik kategoriyasi* (Category of the plural in the Uzbek language) Tashkent. 1944. 56 p.
10. Ioffe V.V., *Proiskhozhdenie i razvitie roda v praindoevropeiskom yazyke* (Origin and development of the genus in the proto-Indo-European language), Diss. ... Cand. Philol. sciences'. Rostov-on-don, 1973. 38 p.
11. Karamshoev D., *Kategoriya roda v pamiirskikh yazykakh* (Gender category in the Pamir languages). Abstract. Diss. ... doctor of philological Sciences: Moscow 1973. 34 p.
12. Plungyan V. A., *Grammaticheskie kategorii, ikh analogi i zamestiteli* (Grammatical categories, their analogues and substitutes). Abstract. Diss... Doctor of philological Sciences: Moscow 1998. 49 p.

13. Rasulova M.I., *Osnovy leksicheskoi kategorizatsii v lingvistike* (Fundamentals of lexical categorization in linguistics). Tashkent: Sciences, 2005. 268 p.
14. Timpko L.A., *Rod kak istoricheskaya kategoriya* (Gender as a historical category), Moscow: Moscow State University 1985. 46 p.
15. Uorf B.L., *Printsipy tipologicheskogo analiza yazykov razlichnogo stroya* (Principles of typological analysis of languages of different systems), Moscow: Nauka, 1972, pp. 44–60.
16. *Falsafa qomusii lugat* (Encyclopedic Dictionary of philosophy), Tashkent: East 2004. 491 p.
17. Shahobiddinova Sh., *Umumiilik va khususiilik dialektikasi hamda uning uzbek tili morfologiyasida aks etishi* (Commonality and specificity dialectics and its reflection in the morphology of the Uzbek language) Philol. doctor of Sciences... disse. Authoref. Tashkent, 2001. 50 p.
18. *Yazykoznanie. Bol'shoi entsiklopedicheskii slovar'* (Linguistics. Large encyclopedic dictionary), Moscow: Big Russian encyclopedia, 1998. 685 p.